



Фарғона Водийсида Никоҳ Тўйи Ва У Билан Боғлиқ Диний Эътиқодлар

Ўрмонов Улугбек Адхамжонович,

Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,

Фарғона давлат университети,

Ўзбекистон, Фарғона ш.

E-mail: ulugbekurmonov7@gmail.com

Аннотация: Мақолада Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари қадимий эътиқодий қарашлар ва анъаналар билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлар мажмуида ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашган, қоришган ҳолда бугунги кунга қадар давом этиб келаётганлиги ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фарғона, никоҳ, удумлар, маросимлар, тўй, совчилик, келин, куёв, куёвнавқар, чимилдиқ, қарнай-сурнай, фарзанд, дин, одатлар, олов.

КИРИШ

Ўзбек халқи қадимий расм-русумлари, дунёқараши, ишонч-эътиқодлари, турмуш тарзи ва фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири бу - никоҳ тўйидир. Халқимизнинг қадимий эътиқодлари, маданият тарихи, орзу-умидлари, ҳаётга муносабатини ўрганишда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари оилавий турмуш ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан мураккаб урф-одатлар ва удумлар бажарилган ва бу удумлар диний асосларга эга бўлган. Никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларда кўплаб қадимий эътиқодлар - фетишизм, тотемизм, табиат эътиқоди, олов ва ўчоқ ибодати, аждодлар руҳига сиғиниш, шомонлик билан бир қаторда исломий кўринишлар изларини учратиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек халқи никоҳ тўйлари билан боғлиқ, урф-одатлар ва ирим-сиримлар фақатгина хурсандчилик ва шодиёналик бўлибгина қолмасдан, балки муайян мақсадга қаратилган афсунгарликлардан ҳам ташкил топган. Дарҳақиқат, ўзбекларнинг ҳозиргача амал қилиб келинаётган анъанавий никоҳ маросими серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани қуришга қаратилган афсунгарлик кўринишидаги урф-одат ва удумлар мажмуасидан ташкил топган.

Никоҳ тўйи тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII-VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида учратамиз. Буюк давлат арбоби Тунюк (VII аср) битиктошида «сов» - калимаси саб - сўз, гап маъносида ишлатилган. Ирқ битиги (фол китоби) да эса «саб» — сўз, «сабчи» - хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган[1]. Махмуд Қошғарий бу хусусда «совчи - келин ва куёв орасида бир-бирига хабар элтувчи» — деб изоҳлаган. Демак, бундан янги оилан пайдо бўлишидаги совчилик удуми узоқ ўтмишда шаклланиб келишига амин бўламиз[2].



Фарғона водийси ўзбекларда қадимдан совчиликка дастлаб аёллар, сўнгра эркаклар боришган. Йигит улғаяётган хонадонда уни уйлантириш фақат ота-онанинггина эмас, балки якин қариндош, дўсту биродарларнинг ҳам ташвиши ҳисобланади. Шунга кўра, йигитга муносиб қизни кўз остига олганлар ва йигитнинг онасига уни дарак қилишган. Шаҳарларда йигитнинг онаси, аммаси ёки холаларидан бири ёки бошқа аёл билан мўлжалланган қиз хонадонига ташриф буюриб, «меҳмонга келдик» баҳонасида қизни кўрадилар. Айни пайтда уй-жой, ҳовлининг тозалиги, саранжом-саришталиги, дастурхон безалиши, уй эгаларининг меҳмондўстлигига разм соладилар. Қизнинг онаси билан суҳбатлашиб, «онасини кўру, қизини ол» мақолига амал қиладилар. Кўп ерда совчилар қиз томоннинг кўни-кўшнилари, хизмат еридан сўраб-суриштирадилар. Қишлоқ жойларида яшовчилар бир-бирларининг фарзандларини яхши билганликлари учун совчиликка ўзлари бормай, маҳалладан ёки қариндошларидан 2 ёки 3 кишини гоборадилар. Қиз томон таниш-билиш ёки қариндош бўлса, совчилар икки-уч боргач, фотиҳа тўйи белгиланиши мумкин[3].

Фотиҳа тўйи маросимида ҳам кўплаб диний унсурларини учратамиз. Чунончи, куёв тарафидан келин хонадонига келган меҳмонларга дастлаб «ширин сув» олиб келинади. Бу одат ҳар икки томон бошлаган эзгу иш якуни ҳам худди ширин сув каби ўтсин, ёшлар турмуши ширин, тотли бўлсин, деган ниятда қилинади. Айнан фотиҳа тўйидан бошлаб, бўлғуси келин-куёвлар бир-бирларининг қариндошларига учрашиб қолмасликка уриниб, улардан ўзларини тортиб юрадилар.

Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи ўзбеклари орасида фотиҳа тўйи жараёнида — бошқа жойларда учрамайдиган “қовурға синдириш” номи билан юритилувчи ўзига хос расм-русм мавжуд. Бунга кўра куёв томондан уч-тўрт аёл бўлғуси келиннинг уйига махсус "келин кучи"ни олгани борадилар. Бунда айнан ушбу кун учун маросимий тарзда пиширилган шўрвага қўй қовурғаси солинган бўлади ва икки аёл ушбу кун шу хонадонда қолиб "келин кучи"ни олиб қайтадилар[4].

Тўй маросимларида кекса ёшли, кўп фарзандли кишилар иштироки зарур ва ўта муҳим ҳисобланган. Улар тўй маросимининг маълум босқичларида ўзига хос афсунгарлик функцияларини бажарганлар. Биз буни бўлғуси келин сепини тайёрлаш жараёнидан бошлаб кузатишимиз мумкин. Одатда, бўлғуси келин-куёвларнинг кўрпа-тўшакларини тикиш, яъни «кўрпа солди» маросимида бичиш-тикиш ишлари кекса аёллар томонидан бошлаб берилган. Бунда нуроний, кўп фарзандли аёллар ҳислатлари бўлғуси келин-куёвга ҳам ўтсин деган диний тушунча мужассамлашган.

«Кўрпа солди» маросимида биз нафақат кексаларнинг афсунгарлик хусусиятлари, балки нарсаларнинг ҳам афсунгарлик хоссаларига бўлган ишончни учратамиз. Маросим олдидан онахонларимиз келин-куёвнинг дастлабки кўрпалари орасига турли-туман қанд, ширинликлар қоғозларини қўшиб тикканлар. Бунда бўлғуси оиланинг ҳаёти ширин, тотли, дастурхони қут-баракали, тўкин-сочин бўлсин деган ният мужассамлашган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Никоҳ куни кечки пайт куёв ўз якин дўстлари билан ясан-тусан қилиб, қутловлар остида тўйхонадаги оқсоқоллар дуои-фотиҳаларини олиб, келин уйига «куёвнавкар»га борадилар. Куёв ўз дўстлари қуршовида, қарнай-сурнай ва турли қийқириқлар садоси остида йўлга тушади. Ушбу амаллар фақат тўй шодиёнасини англантибгина қолмай ёвуз кучлар, инсу жинслардан сақловчи воситаси ҳам бўлган.



Куёвнавкарлар йўл бўйи куёв келин хонадонга бораётганлигини билдириш мақсадида жўшиб-жўшиб, устма-уст хайкириб, жар солиб борганлар. Айрим ҳолларда ёмон кўзлар ва ёвуз кучлар таъсиридан сақланиш мақсадида куёв бошига чопон ёпилган. Куёвнавкарлар келин хонадонига етиб келганларидан сўнг махсус тайёрлаб қўйилган хонага кирганлар. Куёвнавкарлар дастурхонига турли ноз-неъматлар билан бирга бўлғуси оила серфарзанд бўлсин деган ниятда тухум ҳам қўйилади. Улар дастурхон атрофида ўтирганларидан сўнг хонадон кекса кишиси дуои фотиҳа қилади. Шундан сўнг куёвга аталган ширинчой олиб кирилган. Ширинчойни дастлаб куёв, сўнгра унинг дўстлари ўз ҳаётлари ширин, тотли бўлсин, деган ниятда ичганлар. Куёвнавкарлар дастурхон атрофида ўтирган вақтда мезбонлардан бири куёвни ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш мақсадида исириқ тутатади. Ўз навбатида куёв ва унинг шериклари миннатдорчилик рамзи сифатида исириқчига пул берганлар. Биз бунда исириқнинг ўзига хос маросимий афсунгарлик хоссасига ишонч рамзини кўрамиз. Куёвнинг дўстлари зиёфатдан сўнг куёвга махсус куёвлик белбоғларини боғлайдилар[5].

Никоҳ тўйи куни кечга яқин келин аёлларнинг ўзига хос “карвони” билан куёв хонадонига олиб келинади. “Келин карвони” олдида албатта кичик ёшли ўғил боланинг бўлиши ва келиннинг бутун тана қисми кийимда ёки паранжи билан тўсилган бўлиши талаб этилган. Келинни олиб келаётганлар куёв уйи одцига яқин-лашгач дарвоза олдида катта олов ёқилади ва куёвнинг янгалари шакар солинган сут ёки қатик ва бир кийимлик мато олиб чиқа-дилар. Сут келинчакка яхши ниятлар билан ичказилади. Келинга сут беришда унинг ҳаёт йўли сундай ойдин, зурриётли ва зотли бўлсин, деган диний ният муҳасамлашган.

Қолаверса, қадимдан сут ва сутли маҳсулотлар туркий халқларда энг муқаддас маҳсулотлардан бири ва айнан маълум бир гуруҳнинг рамзи ҳисобланган. Шу боис уни бегона уруғ вакилларига бериш қатъиян тақиқданган. Водий ўзбек-қипчоқлари орасидаги никоҳ тўйи тантаналарида келинни сут билан кутиб олиш бўлғуси келиннинг куёв уруғига қўшилганлигининг рамзий аломати бўлса керак. Шундан сўнг “келин карвони”га қиз томондан ҳамроҳлик қилиб келган келиннинг кичик ёшли ўғил укаси ёки жияни томонидан «пичоқ» ёки «пичоқ пули» талаб қилинган. Бу одат Чортоқ тумани Қорамурт, Янгикўрғон тумани Поромон қишлоқлари ўзбекларида шоп бериш деб номланган[6]. Куёв томонидан тайёрлаб қўйилган пичоқ, агар уни тайёрлашга улгурилмаган бўлса пичоқ пули берилган ва келинни қайнонаси от ёки аравадан кўтариб туширган. Сўнгра келин олов атрофида уч марта айлантеририб ичкарига олиб кирилган. Бундай одат Фарғона водийсидагина эмас, Республиканинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар, қолаверса тожик, қирғиз ва туркманлар орасида ҳам кенг тарқалган.

Олов ўз шуъласи билан инсонга таъсир этадиган зарарли кучларни куйдирувчи, покловчи ва ёруғлик тимсоли сифатида зулматга қарши куч ҳисобланганлиги боис ажодлар томонидан эъзозланган. Қолаверса, қадимги туркий халқлар оловни аёл сифатида тасаввур қилганлар ва бу муқаддас илоҳани «Ўт она» ёки олов аёл, Умай эна деб атаганлар[7]. Қадимги даврларда қабила оловини ёқиб турадиган киши, яъни «Ўт эгаси» вазифасини аёллар бажарганлар. Олов билан боғлиқ кўринишлар оилавий турмуш маросимларида ҳозирги даврга қадар сақланиб қолган. У, айниқса келинни олов атрофида айлантеририш удумида яққол намоён бўлади. Келинни гулхан атрофида уч марта айлантеририш одатида оловнинг унга ҳамроҳ бўлиб куёв хонадонига келган турли инсу жинслардан поклашга қаратилган афсунгарлик кўриниши билан бирга оловнинг иссиқлиги-ю ёруғлиги муқаддас куч сифатида келинга кўмаклашиб, унга куч-қудрат бағишлашига ишончни кўришимиз мумкин.



Келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, кудалар тарафидан биттадан янгалар уйнинг ўнг тарафи юқори бурчагида чимилдиқ боғлаганлар.

Марғилон ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимларида келин-куёв чимилдиғига ошиқ илиб қўйиш одати замирида ҳам янги келин-куёвларни Умай она ҳимоя қилсин деган диний ният мужассамлашган бўлса керак. Дарвоқе, водийда чимилдиқни боғлаган янгаларнинг ўзлари ҳам келин ва куёвга таҳдид солиши мумкин деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс-жинслардан уларни ҳимоя қилувчи рамзий ҳомий ҳисобланганлар. Шу сабабга кўра тўйнинг бошидан охиригача янгалар зиммасига юкланган вазифалар жуда кўп бўлади.

Фарғона водийсида янгаларни янга, чеча, оя, женгача, келинойи деб деб номлашади. Янгаларни танлашда маълум бир тартиб-қоидаларга амал қилинган. Янгалар одатда, нафақат бир никоҳли, серфарзанд, шу билан бирга уддабурон, чечан, сўзамол, ҳаёт тажрибаларига бой бўлишлари асосий шартлардан бири ҳисобланади. Никоҳ маросимлари бошланишидан то охиригача янгалар бир нечта диний вазифаларини бажарадилар. Бўлажак келинни никоҳга янгалар тайёрлайдилар, куёв ва куёвнавкарлар билан ҳам янгалар муомала қиладилар. Қолаверса, келинни олов атрофида ҳам айнан янгалар айлантирадилар. Соч сийпатар, қўл ушлатар, ойна кўрсатар, никоҳ сувини ичириш одатларини ҳам янгалар амалга оширадилар. Фольклоршунос олим А.Мусақуловнинг таъкидлашича, янга руҳлар билан янги дунё ўртасида шомонга яқин киши ҳисобланган[8].

Тўй куни серфарзанд бир аёл ёки янгалардан бири келинчакнинг сочини икки ўрим қилиб ўриб қўяди. Таниқли этнограф олим К. Шониёзовнинг ёзишича, ўзбекларда қизлар анъанага кўра сочларини майдалаб, келинчаклар ва жувонлар эса жуфт қилиб ўрганлар[9].

Соч ўримларининг оилавий ҳаёт, маиший турмуш билан боғлиқлиги турли маъноларни англатиши бизнинг кунларимизда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Қизларнинг маълум ёш гуруҳидан бошқа поғоналарига ўтишларида, яъни ёшлиқдан қизликка, қизликдан хотинликка - жувонликка ўтиш чоғида, сўнг ўрта ёшли даврига ва ниҳоят қарилликка ўтиш палласида ҳар бирига мос соч ўрими тартиби сақланган ва шу билан бирга ўзининг қайси ёшда эканлигани ҳам намойиш этган. Жумладан, қирқ кокил балоғат рамзи, аммо ҳали турмушга чиқмаганлик белгиси бўлган. Шу боис ўзбекларда турмуш қурмаган қизларгина сочларини қирқ кокил қилиб ўриб юрганлар, оилали аёллар эса ҳеч қачон сочларини қирқ кокил қилиб майдалаб ўрмаганлар.

Бошқа ижтимоий гуруҳга ўтиш ғояси келинни янги фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ «супра солди», «эшик илув», «туйнук очар» каби урф-одатларда ҳам намоеён бўлган. Бунда келиннинг рўзғор ишларига нечоғлик тайёр эканлиги, унинг уқувлилиги, ишчанлиги, эпчиллиги, таом тайёрлаши каби фазилатлари синовдан ўтказилган. Тўйда келин-куёвнинг янги ижтимоий мақомга (масалан, ўзбекларда «қиз бола» - «келин», «хотин», «йигит» -«куёв») ўтганлигидан қадимги жинс жамоаларига тегишли ёш инициацияси қолдиғини кўриш мумкин.

Водий ўзбеклари орасида никоҳ ўқиладиганда куёвнинг ўнг кифт кийими устидан оқ ипли игна ўтказилиб, ипнинг учи тугилмаган. Бу эса келин-куёвнинг ҳаёти оқ бўлсин, деган ниятни ифодалаган. Масжид имоми томонидан никоҳ ўқиб бўлингандан сўнг икки ёш устидан буғдой, жўхори (жувари) донлари «авлодлари дондай кўпайсин», деган умидда сочилган. Ўзбекларда шунингдек никоҳ ўқиладиган чоғда куёв костюми орқаси тугилмаган ип билан тикиш одати ҳам мавжуд. Тикаётган одам: “йўлингиз очик, умрингиз узун, бахтли бўлинг” деган тилакларини билдиради. Сўнгра у келин-куёв устидан мош сочади. Оқ-қора аралашиб ўғил-қиз туғилсин деган ирим туфайли шундай қилинади. Биз бу одатлар замирида буғдой,




маккажўхори ва мош каби ўсимликларнинг серҳосиллик хусусияти келин-куёвга ўтишига қаратилган афсунгарлик нияти мужассамлашганини кўришимиз мумкин.

Никоҳ тўйи куни кечки пайт куёв ўзининг энг яқин дўсти билан бирга устига чопон ёпиб яширинган ҳолда келиннинг олдига олиб келади. Келин турган хонага ўз дўсти томонидан олиб кирилган куёвга танга ва сочқилар сочилган. Никоҳ кечаси ёшларнинг биргаликда ойнага қараш удуми ҳам бўлган бўлиб, келин-куёв келажак ҳаётлари ойна мисоли тиник, ёруғ ва пок бўлиши нияти мавжуд. Биз бунда кўзгунинг рамзий хусусиятлари билан бирга афсунгарлик унсурларини ҳам кўрамиз. Келин-куёвнинг биргаликда ойнага қараш удуми қадимги ибтидоий одамларнинг одамлар руҳи уларнинг соясида, сув ва ойнада намоён бўлади деган қарашларидан келиб чиққан. Жумладан, Ж.Фрэзер ҳам қадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларни эътироф этган.

«Ойна кўрсатув»дан кейин янгалардан бири келин-куёвнинг қўлларини бир-бирларига ушлатиб қўяди ва улар маълум вақтгача қўл ушлашган ҳолда турганлар. Бу удум рамзий равишда келин-куёв танишувини билдирган. Сўнгра янга янги оила вакиллари бошидан ёвуз рухлардан тозалаш мақсадида қора чирокни уч марта айлантирган ва келинга янги кўйлак кийдириб унинг олдига чақалоқ бериган. Ушбу одат замирида ёшларнинг серфарзанд бўлишига қаратилган диний тушунча мавжуд бўлган. Шундан сўнг янга дастлаб келинга, сўнгра куёвга қанд берган. Бу русум асосида келин-куёвнинг келгуси ҳаётлари қанд каби ширин бўлсин деган маъно ётади. Келин-куёв қандни еб бўлишгач, пиёлада никоҳ сувидан олиб келинган. Улар сувдан бир қултумдан ичганлар.


ХУЛОСА

Умуман олганда, Фарғона водийси никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ афсунгарликларнинг кўплари бир-бирига ўхшаш бўлиб, улардан асосий мақсад серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани яратишга қаратилган. Водийда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги сингари бепуштлиқ катта бахтсизлик деб қаралган. Қолаверса халқда бепуштлиқ Аллоҳнинг берган жазоси ҳам ҳисобланган. Шу боисдан никоҳ тўйи маросимларининг энг масъулиятли вазибаларида серфарзанд аёллар иштирокининг ўзи ҳам афсунгарлик кўринишларининг биридир. Никоҳ маросимларидаги афсунгарлик усулларини таҳлил қилиш жараёнида биз шунга амин бўлдикки, никоҳ танталари билан боғлиқ тарзда ўтказилувчи маросимларда афсунгарликлар хилма - хил бўлиб уларни иккита катта гуруҳга - апотропеик афсунгарлик, ёки бошқачасига ҳимояловчи афсунгарлик ва прогропеик, яъни уйғотувчи ва бирлаштирувчи афсунгарлик каби гуруҳларга бўлиш мумкин[10]. Биринчи гуруҳ, яъни ҳимояловчи афсунгарликларда келин-куёв турли ёвуз кучлар ва ёмон ниятли кишиларнинг турли “илму амал”ларидан асралган ва бунга бўлғуси оилани ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар ва урф-одатлар кирган. Иккинчи гуруҳ афсунгарлик усуллари келин-куёвни ўзаро бирлаштириш йўлида бажариладиган қатор урф-одатардан иборат эканлига амин бўлдик. Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари қадимий эътиқодий қарашлар ва анъаналар билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлар мажмуида ташкил топган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашган, қоришган ҳолда бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Айнан мазкур маросимлар ва одатлар яшовчанлигининг энг асосий сабаби уларнинг асосий мазмун-моҳияти ва энг асосий мақсади келажак авлод давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир.




Манбалар ва адабиётлар:


1. Қаххор Т. Турк хоқонлиги тарихи. Тошкент, 1992. Б. 46-47-50.
2. Маҳмуд Кошғарий. Т. Тошкент, 1960. Б. 169.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 7. Тошкент, 2004. Б. 691-692.
4. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... Б. 90.
5. Дала ёзувлари: Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Эскиараб қишлоғи. 2013 йил.
6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... Б. 91.
7. Жуковская Н. Очага культ. М., 1993. С. 147.
8. Жуковская Н. Очага культ. М., 1993. С. 147.
9. Жуковская Н. Очага культ. М., 1993. С. 147.
10. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... Б. 100.
11. Kurbon, S. (2023). FUQAROVIIY FAOLLIK VA UNING FUQAROLIK JAMIYATIDAGI O 'RNI. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 2(15), 185-191.
12. Шарипова, К. (2023). СЕМЬЯ, МАХАЛЛЯ, ШКОЛЬНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022*, 2(18), 53-57.
13. Sharipova, K. (2023). MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIK O'ZBEK XALQINING YUKSAK QADRIYATIDIR. *Talqin Va Tadqiqotlar*, 1(18).
извлечено от <http://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/1246>
14. Абдурахмонова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Research Focus*, 1(1), 324-326.
15. Абдурахмонова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ-ЖАМИЯТ ХАЁТИНИНГ БОШ БЎҒИНИ СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(11), 704-709.
16. Абдурахманова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). Формирование Рынка Труда Как Фактор Развития Народного Хозяйства. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(8), 1-6.
17. Абдурахманова, М., Хонкелдиева, К., & Турғунбоев, А. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ КАК УСЛОВИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕВЫХ КОМПЛЕКСНЫХ ПРОГРАММ В РЕГИОНЕ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 878-882.
18. Abdurakhmonova, M. M., & Turgunboyev, A. F. (2023). AHOLIGA SIFATLI IJTIMOIIY XIZMATLAR KO 'RSATISHDA JAMOATCHILIK FIKRIGA TAYANISH SAMARADORLIGI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(22), 192-200.
19. Mamajonova, D. (2023). WAYS TO COMBAT CRIME AND IMPROVE THE CRIME PREVENTION SYSTEM. *IMRAS*, 6(7), 227-236.
20. Мамажоновна, Д. (2022). КОНСТИТУЦИОННЫЙ ИСЛОХОТЛАР-ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 688-693.



21. Боротов, А. (2023). ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(Maxsus son), 154-155.
22. Боротов, А. (2022). ХУСУСИЙ МУЛК ХУҚУҚИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ТАКОМИЛ ЙЎЛИДА. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 96-102.
23. Khomidovich, B. A. (2023). DEVELOPMENT OF PRIVATE PROPERTY AND BUSINESS. *World Bulletin of Management and Law*, 18, 105-107.
24. Ахмедбекова, М. (2023). ОЙЛА ТАРБИЯСИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Research Focus*, 2(3), 164-168.
25. Ahmedbekova, M. (2022). THE IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPED ARTISTIC AND AESTHETIC CREATIVITY OF THE YOUNG GENERATION AND FINE ARTS IN SOCIETY. *Science and Innovation*, 1(8), 112-119.
26. Qahhorovna, A. M. (2023). МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA TASVIRIY FAOLIYAT MASHGULOTLARINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI. *IQRO*, 2(2), 553-561.
27. Maxpuzakhon, A. (2022). Methods of Using Modern Pedagogical Technologies in Organizing Fine Arts Lessons. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(11), 268-271.
28. Бекмирзаев, Р. Б., & Илебаев, А. К. (2023). БАБУР-ШАХ И СУЛАЙМАН-ТОО. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 158-162.
29. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). ЗЕБ УН-НИСА ОЧАРОВАНИЕ И ТРАГЕДИЯ. *Interpretation and researches*, 1(1).
30. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). «КУДАТГУ БИЛИГ» ОБ ИГРАХ И ЗАБАВАХ В ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ. *Interpretation and researches*, 1(1).
31. Bekmirzayev, R. B. (2023). FARG ‘ONA VODIYSIDAGI ZAMONAVIY MILLATLARARO MUNOSABATLARGA TA’SIR ETUVCHI IJTIMOY-IQTISODIY MUAMMOLAR. *Research Focus International Scientific Journal*, 2(4), 64-67.
32. Begalievich, B. R., & Nimatovna, A. A. (2023). ABOUT THE CHARMING CREATION OF ZEBU UN-NISSA BEGIM. *Academia Science Repository*, 4(04), 879-887.
33. Zoirjon, A. (2023). Important aspects of ensuring the effectiveness of training in primary education. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 12(6), 67-73.
34. Aripov, Z. (2023). MODERN REQUIREMENTS FOR THE PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF A TEACHER. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 2(7), 175-178.
35. Zoirjon, A., & Ominaxon, O. (2022). NUTQ BUZILISHI TURLARI VA ULARNING XUSUSIYATALRI. *Research Focus*, 1(4), 216-221.
36. Toirjonovich, A. Z. (2023). Creative Self-Development of the Personality of the Future Teacher. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(2), 49-56.
37. Арипов, З. Т. (2020). Процесс Формирования Коммуникативно-Речевой Готовности Старших Дошкольников К Обучению. In *Проблемы Филологического Образования* (pp. 108-112).



38. Gulnoza, K. (2023). SOCIAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF COOPERATION “FAMILY–NEIGHBORHOOD–EDUCATIONAL INSTITUTION”. *Research Focus International Scientific Journal*, 2(6), 99-104.
39. Karimova, G. Y. (2023). THE IMPORTANCE OF THE FORMATION OF CIVIC ENGAGEMENT AND SOCIAL ACTIVITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 563-570.
40. Боротов, А., & Каримова, Г. (2023). Конституция и законодательный акт. *Вестник Омского государственного университета. Право*, (1 (2)), 1-5.
41. Бозаров, Д. М., & Каримова, Г. Й. (2021). МУРАККАБ ИЖТИМОЙ ТИЗИМЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1(1), 1-9.
42. Боротов, А. (2023). СОБИҚ ИТТИФОҚ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛК: РИВОЖЛАНИШ ИЕРАРХИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ АСОСИДА). *Interpretation and researches*, 1(1).
43. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). Ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишда кадриятларнинг аҳамияти. *Перекрёсток Культуры*, 2(1).
44. Karimov, U. U. (2023). THE IMPORTANCE OF FAMILY EDUCATION AND EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 580-588.
45. Saidrasul, X. (2023). MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR BIRLIGI. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(23), 101-108.
46. Xusanov, S. (2023). KATTA FARG ‘ONA KANALI QURILISHI TARIXIGA NAZAR (NOYOB ARXIV HUJJATLARI ASOSIDA). *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16, 425-429.
47. Khusanov, S. (2022). Khiva madrasahs. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(6), 107-111.
48. Khusanov, S. (2022). Historiography of the problem of record keeping and archival affairs of the Khiva khanate in the XIX-early XX centuries. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 93-98.
49. Xusanovich, X. S. (2022). XIVA XONLIGIDA XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O‘RGANILISHI. *Research Focus*, 1(3), 94-98.
50. Khusanov, S. (2021). Qozikhona and religious rule in khiva khanate in the beginning of xix-xx centuries. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(12), 758-763.
51. Xusanovich, X. S. (2023). XIVA XONLIGIDA QO‘NG‘IROTTLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O‘RGANILISHI (XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR). *Miasto Przyszłości*, 42, 346-350.
52. Sharipova, K. (2023). YETIM VA OTA-ONA QAROMOG‘ISIZ QOLGAN BOLALARNI IJTIMOIIY HIMOYALASHDA XALQARO RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI. *Academic research in educational sciences*, 4(Periodical Collection 7), 177-183.



53. Sulaymonov, K. (2022). THE INFLUENCE OF OBJECTIVE AND SUBJECTIVE FACTORS ON THE FORMATION OF THE INTELLECTUAL CULTURE OF YOUTH. *Science and Innovation*, 1(3), 688-696.
54. Sulaymanov, K., & Nabijonovna, H. M. (2023). ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTONDAGI AGRAR SIYOSATINING MA'MURIY-HUQUQIY ASOSLARNI ISHLAB CHIQLISHI VA TATBIQ ETILISHI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(19), 1278-1282.
55. Adkhamjonovich, U. U. B. (2023). A Look at the Veterinary History of Turkestan in the Late 19th-Early 20th Centuries. *International Journal of Formal Education*, 2(5), 81-84.
56. Adhamjonovich, U. (2022, November). INFORMATION ON ANIMAL HUSBANDRY IN TURKESTAN (LATE XIX–EARLY XX CENTURIES). In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 2, pp. 89-95).
57. Ўрмонов, У. (2022). Вопросы борьбы с болезнями скота в Туркестане. (Конец XIX–начало XX). *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 383-389.
58. Ўрмонов, У. (2022). ҚАДИМГИ ФАРҒОНАНИНГ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ. *Gospodarka i Innowacje*, 27, 96-101.
59. Ўрмонов, У. А. (2023). ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА МАРФИЛОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ (XIX аср охири–XX аср бошлари). *Miasto Przyszłości*, 42, 340-345.
60. Adkhamjonovich, U. U. B. (2022, November). THE ROLE OF LIVESTOCK AND PRODUCTS IN THE DOMESTIC AND FOREIGN TRADE AT THE END OF THE 19TH CENTURY-THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY (On the example of Fergana Valley). In *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities* (Vol. 1, No. 3, pp. 30-35).
61. Kurbon, S. (2023). SOCIO-SPIRITUAL AND MORAL ASPECTS OF THE FORMATION OF CIVIL POSITIVITY IN YOUNG PEOPLE. *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS*, 2(23), 91-95.
62. СУЛАЙМОНОВ, Қ., & ХОШИМОВА, М. ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА АГРАР СИЁСАТИ (1870-1900 ЙИЛЛАР). *ЭКОНОМИКА*, 610-613.